

Баллистик экспертизаларни ўтказишда автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизимидан фойдаланиш

Демократик ҳуқуқий фуқаролик жамияти ҳаётидан жиноятчиликни умуман сиқиб чиқаришнинг принципиал шартларидан бири ҳар қандай жиноятни тез ва тўлиқ очиш ҳамда содир этилган жиноий қилмиш учун айбдорга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларининг муқаррарлигини таъминлашдир. Жамият ҳаётидаги айрим жиноятлар турли хил ўқотар қуроллар ва қуролга ўхшаш буюмлар ишлатилиб содир этилади. Қуроллар ишлатилиши эса одамнинг ҳаёти ва соғлиги учун кучли хавф, таҳдид солаётганини билдиради. Шунинг учун ўқотар қуроллар ва уларга ўхшаш буюмлар ишлатилиб содир этилган жиноятларда, жиноятчи шахсларнинг ушбу қилмишлари жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб тушунилади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади...»^{44 45}. Шу жиҳатдан тингловчилар томонидан Баллистик экспертиза фанини ўрганиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эксперт-криминалистик хизматлари олдига қўйилган вазифаларни самарали бажаришлари учун зарур бўлган билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашларига йўналтирилган.

Айнан ана шу сабаларга кўра ўқотар қуроллар ва жанговар ўқдориларни ўғирлаш, қонунга хилоф равишда сақлаш, тақиб юриш, тайёрлаш, сотиш ёки сотиб олиш, ўзлаштириш кабилар билан боғлиқ жиноятлар ҳам тез ва тўлиқ очилиши зарур. Чунки, эртами-кечми ушбу қуроллар одамнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қаратилиши мумкин¹.

Турли жиноятларни очиш ва тергов қилишда шунинг эса тутиш лозимки, ўқотар қуроллар ва жанговар ўқдорилар кўпинча жиноят содир этиш восита ва қуроллари сифатида майдонга чиқади. Одамни ҳаётидан маҳрум қилиш ёки тан жароҳати етказиш қуроли сифатида, мулкка зарар етказиш ёки уни бузиш мақсадида шикает етказиш ёки ёндириб юбориш қуроли сифатида жиноятчилар турли ўқотар қурол-

* ИИВ Академияси 4-ўқув курси тингловчиси.

⁴⁵ Артемев М. К. Определение дистанции выстрела из охотничьих гладкоствольных ружей и обрезов по рассеиванию дробового снопа. - М., 1999. - С. 8.

лар, қурилиш-монтаж тўппончалари ва шу кабилардан ҳам фойдаланадилар. Ўқотар қуроллар ва уларга ўхшаш буюмлар жиноятчилар томонидан кўрқитиш ёки таҳдид қилиш воситаси сифатида ишлатилади.

Бундан ташқари, ўқотар қуроллар мансабдор шахе, ҳукумат вакили ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки жабрланувчи томонидан қонуний тарзда қўлланилганда жиноятларни тўхтатиш ва уларни олдини олиш ёки ўзини-ўзи ҳимоя қилиш воситаси бўлиши мумкин⁴⁶. Қуроллар ва ўқ-дорилар, уларни ўғирлаш, бузиш ва агар ноқонуний йўл билан ўзлаштирилган ёки топилган бўлса, жиноят предмети ҳамда уларни қонунга хилоф равишда сақланган, олиб-сотилган ва тайёрланган бўлса, муомала қилиш тақиқланган буюмлар бўлиши мумкин.

Ўқотар қуроллар, жанговар ўқ-дорилар ва уларни ишлатилиш излари жуда хилма-хил ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган объектлардир. Бу каби объектларни жиноят процессининг турли босқичларида тадқиқот этиш учун махсус билимлар керак бўлади ва ушбу махсус билимларни қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида кўзда тутилган. Мутахассисларнинг махсус билимлари алоҳида тергов ҳаракатлари ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда, турли хил экспертизалар, жумладан, қуроллар ва уларни ишлатилиш изларининг экспертизасини ўтказишда ҳам керак бўлади.

Қуроллар ва уларни ишлатилиш изларининг криминалистик экспертизаси ёки суд-баллистикаси экспертизаси - бу ўқотар қуроллар ва жанговар ўқ-дорилар ёки уларга ўхшаш буюмлар, уларни ишлатилиш изларини қонун билан белгиланган шаклдаги, жиноятларни очиш ва тергов қилиш ёки суд муҳокамаси жараёнида вужудга келган техник саволлар бўйича мос ҳолдаги экспертиза ҳулосаси бериладиган тадқиқотларидир.

Ички ишлар органлари тезкор-қидирув ва тергов амалиётида жиноятларнинг бир қатор турларини очиш ва тергов қилишда ички ишлар органлари ходимларини қизиқтираётган объект ўқотар қуроллар турига тегишлими, агар тегишли бўлса, бу қурол техник жиҳатдан созми ва отиш учун яроқлими, қурол (ўқ-дорилар) ёки унинг қисмлари қандай гуруҳга тааллуқли деган саволларга жавоб беришга тўғри келади.

«Баллистика» атамаси грекча «ballo» - отаман, улоқтираман

⁴⁶ Криминалистика / Под ред. Н. П. Яблокова. - М., 1996. - С. 38.

сўзларидан олинган. Баллистика - ўқотар қуролдан отилган снарядлар, ўқлар, миналарнинг ҳаракат қонунларини ўрганувчи фандир. У ички, ташқи ва экспериментал баллистикаларга бўлинади. Ташқи баллистика снаряднинг, унга порох газларининг таъсири тугагандан бошлаб то нишонга текканича бўлган ораликдаги ҳаракат қонунларини ўрганади. Ички баллистика эса снаряд (ўқ)нинг қурол мил канали ичидаги ҳаракатини, ўқ отилишида юз берадиган жараёнлар қонуниятларини ўрганади. Экспериментал баллистика эса ана шу баллистик ҳодисаларни экспериментал тадқиқ этишининг услубиётларини ўрганади.

Суд баллистикаси - криминалистиканинг ўқотар қуроллар ишлатилиши (шунингдек, тақиб юрилиши, сақланиши, тайёрланиши ва ўзлаштирилиши) билан боғлиқ бўлган жиноятларни текшириш ва очишда вужудга келадиган техник саволлар ва вазифаларни ўрганувчи соҳасидир. Суд баллистикаси ўқотар қуролнинг тури, кўриниши ва тизимини, унинг созлигини ва ўқ отишга яроқлилигини аниқлайди. Отилган ўқлар ва гильзаларга қараб ишлатилган ўқотар қуролнинг аниқ намунаси айнанлигини, жанговар ўқ-дориларни ҳамда уларнинг қисмлари тури ва тизимини, ўқ отилиши йўналиши ва масофасини аниқлайди.

Юқорида айтилган баллистика экспертизаларининг имкониятлари билан бир қаторда ушбу турдаги экспертизалар тизимида айрим муаммолар, охиригача ўрганилмаган масалалар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов 2001 йил 2930 август кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган «Адолат қонун устуворлигида» деб номланган нутқларида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «...жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди. Чунки тергов ҳамда суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада ҳозир ҳам хато ва камчиликлар талайгина»⁴⁷.

Баллистика экспертизаларида ҳанузгача ўрганилмаган соҳаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ўқ отилишининг вақтини аниқлаш масалалари;
- 2) силлиқ милли ўқотар қуроллардан отилган ўқлар бўйича айнанликни аниқлаш масалалари;
- 3) баллистик турдаги тадқиқотларни ўтказишда компьютер

технологияларидан фойдаланиш муаммолари.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» қурилмалари ҳақида маълумот беришда, «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) - Арсенал» қурилмаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланамиз. Бундай қурилма биринчи бўлиб 1995 йилда ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) - Арсенал»нинг бир машинали ва тармоқ мажмуалари Россиянинг 25 та йирик шаҳарларида ҳамда дунёнинг 12 та мамлакатлари эксперт-криминалистика хизматлари фаолиятида қўлланилади⁴⁸.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) - Арсенал» қурилмаси баллистика экспертизаси соҳасидаги илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда доимий ривожланиб бормоқ-да. Ушбу қурилма ёрдамида автоматлаштирилган таққослаш тадқиқотларининг ишончлилиги ортади. Баллистик турдаги тадқиқотларнинг ўтказишда замонавий ва такомиллашган техник воситалардан фойдаланиш имконияти вужудга келади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) - Арсенал» тизимининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматлари ҳисобида турган ўқотар қуролларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш;

- ҳодиса содир бўлган жойдан олинган, отилган ўқ ва гильзаларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш;

- ўқотар қуролларни, отилган ўқ ва гильзалардаги изларга кўра айнанлаштириш мақсадида, қидирув ва таққослаш тадқиқотларини автоматлаштириш⁴⁹.

Ушбу вазифалар отилган ўқ ва гильзаларда ҳосил бўлган излар акс этган тасвирларни ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда ушбу маълумотлар базасига киритилаётган ҳар бир из тасвирини, базадаги мавжуд изларнинг тасвири билан автоматик таққослаш йўли билан амалга оширилади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) - Арсенал» қурилмасининг замонавий турларида бир қатор техник қарорлар ва Папилон инновациялари киритилган. Улар бу қурилмаларнинг аввалги турларига ҳамда жаҳон бозорида тақдим

⁴⁸Ростов П. Р. Перспективы применения компьютерных технологий при расследовании уголовных дел. - М., 2008. - С. 278.

⁴⁹ Ўша жойда.

этилган бошқа «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» курилмаларига қараганда янада такомиллаштирилган.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)

- Арсенал» курилмаларини такомиллаштириш бўйича Папилон инновацияларининг таъсири ушбу «Арсенал» курилмасини сифатий ва эксплуатацион хусусиятларини сифатини орттиришга ҳамда Эксперт-криминалистика хизматлари фаолиятини кенг жорий этишга йўналтирилган.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)

- Арсенал» курилмасини Эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятида қўллаш ўқотар қуроолар ишлатилиши билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ва очиш, отилган ўқ ва гильзалар тадқиқотларини янгича сифат даражасига ўтказиш, базасида юз минглаб объектлари бўлган электрон ўқ-гильзатекалар яратиш имкониятини беради. Хулоса қилиб айтганда «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг баллистик тадқиқотларни ўтказишдаги ўрни ва муҳим аҳамияти шундаки, ушбу тизим компьютер техникаси ва технологиялари жуда ривожланиб бораётган ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматларида «Экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи» (ЭАИЖ)ни яратишга имкон беради⁵⁰.

Ҳозирга кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда «Экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи» (ЭАИЖ) дастурларида, яъни: турли криминалистик объектлар тасвирларининг таҳлил этиш ва уларга ишлов бериш вазифаларини ҳал этиш имконига эга бўлган кўп функцияли дастурий комплекс; субъектив портретлар тузиш ва қидирилаётган шахсларнинг маълумотлар базасини сақлаш бўйича, тўлиқ ёки қисман аниқланган аломатлар бўйича маълумотлар олиш имконини берадиган автоматлаштирилган дастурлар; кимёвий таркиби бўйича металлларни аниқлаш имконини берадиган маълумотли-қидирув тизими; ўсимлик келиб чиқишига эга бўлган наркотик моддаларнинг таркибини аниқлаш учун сифатий эмиссион-спектрал таҳлилнинг методикаси; ўқотар қурооллар бўйича маълумотли тизимлар; объектларни ўқ ва гильзатекаларга жойлаштириш ва улар билан бевосита ишлашнинг автоматлаштирилган қайд этиш журнали;

⁵⁰ Ўша жойда.

қоғознинг тури ва унинг физикавий-кимёвий таркиби бўйича аниқлашнинг автоматлаштирилган методикаси; идентификация қилиш мақсадида фотосуратларни таққослаш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлар ва ҳоказолар ташкил этилган.

Юқорида таъкидланган автоматлаштирилган методика ва тизимлар эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятига татбиқ этиш борасида фикр юритишга асос бўлиб, бундай методика ва тизимларни жуда кўплаб мамлакатларда татбиқ этилишидир. Масалан, Россия Федерациясининг Эксперт-криминалистик маркази ўзининг қуйи бўлим ва бўлинмаларини ана шундай методика ва тизимлар билан таъминлаш ишларини бошлаб юборган¹.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Людмила. "Судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан в эпоху цифровизации." Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1 (2022): 35-40.
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).